

Пресс-тур: “Дафтарлар” да турган ишсиз хотин-қизлар бандлиги таъминланмоқда



Термиз туманида янги иш ўринларини яратиш, уларда ишсиз фуқаролар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун туман ҳокимлиги ва алоқадор ташкилотлар билан ҳамкорликда янги иш ўринлари яратилаётган лойиҳаларга пресс-тур ташкил этилди.

Хусусан, “Термиз халқаро савдо маркази” ҳудудида “Миллий ҳунармандчилик” марказини ташкил этиш орқали 1,5 минг иш ўрни яратиш мақсад қилинган лойиҳа билан танишув ўтказилди. Унда журналистлар, ижтимоий тармоқ фаоллари ҳамда ишлаш истагида бўлган хотин-қизлар иштирок этишди.

Янги иш ўринларида яратиладиган шароитлар тўғрисида ахборотлар берилди.